

JÁMIYETLIK HÁM GUMANITAR ILIMLER

Tariyx. Huqıqtanıw. Ruwxılıq tiykarları

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ МЕРОСИ ШАҚЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ОМИЛЛАРИ

Абдуллаев Махсет Жакселикович – таянч докторант
abdullaevmaxset@gmail.com

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

ИСТОРИКО-ФИЛОСОФСКИЕ ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ ДУХОВНО-КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ КАРАКАЛПАКСКОГО НАРОДА

Абдуллаев Махсет Жакселикович – базовый докторант

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

HISTORICAL AND PHILOSOPHICAL FACTORS IN THE FORMATION OF THE SPIRITUAL AND CULTURAL HERITAGE OF THE KARAKALPAK PEOPLE

Abdullaev Makhset Jaksilikovich – doctoral student

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Таянч сўзлар: миллий қадриятлар, маънавий мерос, қорақалпоқ халқи, маданият, миллий ўзлик, фольклор, анъана, ижтимоий фалсафа.

Резюме. Мақолада қорақалпоқ халқи маънавий-маданий меросининг шаклланишига таъсир этган тарихий, ижтимоий ва фалсафий омиллар таҳлил қилинган. Қорақалпоқ халқи маънавий ҳаётининг туркий цивилизация, ислом маданияти ва маҳаллий этномаданий муҳит билан узвий алоқадорлиги очиб берилган. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди, анъаналар ва қадриятларнинг миллий ўзликни шакллантиришдаги аҳамияти ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан асосланган.

Ключевые слова: национальные ценности, духовное наследие, каракалпакский народ, культура, национальная идентичность, фольклор, традиция, социальная философия.

Резюме. В статье анализируются исторические, социальные и философские факторы, оказавшие влияние на формирование духовного и культурного наследия каракалпакского народа. Раскрывается неразрывная связь духовной жизни каракалпакского народа с тюркской цивилизацией, исламской культурой и местной этнокультурной средой. Также с социально-философской точки зрения обосновано значение устного народного творчества, традиций и ценностей в формировании национальной идентичности.

Key words: national values, spiritual heritage, Karakalpak people, culture, national identity, folklore, tradition, social philosophy.

Summary. The article analyzes the historical, social, and philosophical factors that influenced the formation of the spiritual and cultural heritage of the Karakalpak people. It reveals the inseparable connection of the spiritual life of the Karakalpak people with the Turkic civilization, Islamic culture, and the local ethnocultural environment. Furthermore, the significance of oral folk art, traditions, and values in shaping national identity is substantiated from a socio-philosophical perspective.

Кириш. Глобаллашув жараёнлари жадаллашиб бораётган ҳозирги шароитда халқларнинг маънавий-маданий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки ҳар қандай миллатнинг тарихий хотираси, маънавий дунёси ва ижтимоий тараққиёт йўли унинг маданий меросида ўз ифодасини топади. Айниқса, кичик миллатлар ва этник гуруҳларнинг маънавий меросини тадқиқ этиш миллий ўзликни сақлаш ҳамда маданий хилма-хилликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади [1:41].

Қорақалпоқ халқи кўп асрлик тарих давомида бой маънавий ва маданий мерос яратган халқлардан бири ҳисобланади. Бу мерос халқнинг ҳаёт тарзи, дунё-қараши, урф-одатлари, фольклори, диний қарашлари ва ижтимоий муносабатларида мужассамлашган. Қорақалпоқ маънавий ҳаётининг шаклланишида туркий цивилизация анъаналари, ислом маданияти, Оролбўйи худудининг географик хусусиятлари ҳамда тарихий-ижтимоий жараёнлар муҳим аҳамият касб этган [2:78].

Мазкур мақоланинг мақсади қорақалпоқ халқи маънавий-маданий меросининг шаклланишидаги

асосий тарихий-фалсафий омилларни таҳлил қилиш ва уларнинг миллий қадриятлар тизимидаги ўрнини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида тарихийлик ва мантиқийлик, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, аксиологик таҳлил ва маданий-фалсафий талқин усулларидан фойдаланилди. Шунингдек, миллий қадриятларнинг шаклланиш жараёнларини ўрганишда тарихий манбалар, фольклор материаллари ва замонавий фалсафий адабиётлар таҳлил қилинди.

Маданият ва қадриятларни ижтимоий-фалсафий таҳлил қилишда Н.О.Лосский, М.С.Каган, Р.Инглхарт, Ш.Шварц каби олимларнинг назарий қарашларига таянилди [3:112]. Миллий қадриятларнинг ижтимоий аҳамиятини аниқлашда маҳаллий олимлар Қ.Назаров, М.С.Хажиева, Г.А.Матякубова ва бошқаларнинг илмий ишларидан фойдаланилди [4:93].

Натижалар.

Туркий цивилизация ва миллий мерос. Қорақалпоқ халқи маънавий-маданий меросининг шаклланишида туркий цивилизация хал қилувчи ўрин эгаллайди. Қадимги туркий халқларга хос бўлган жамоавийлик,

жасорат, ватанпарварлик, катталарга хурмат, меҳмон-навозлик каби қадриятлар қорақалпоқлар маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган [5:64].

Туркий халқларнинг қадимги эпик мероси қорақалпоқ фольклорида ҳам ўз аксини топган. Айниқса, «Алпамис», «Едиге», «Қирқ қиз» каби дostonларда миллий ўзлик, ватан ҳимояси ва инсонпарварлик ғоялари марказий ўринни эгаллайди. Ушбу асарлар халқнинг тарихий хотирасини сақлаш билан бирга, маънавий тарбия воситаси вазифасини ҳам бажариб келган [6:127].

Ислom маданиятининг таъсири. Қорақалпоқ халқи маънавий ҳаётининг шаклланишида ислom дини ва ислom цивилизациясининг таъсири бекиёсдир. Ислom нафақат диний эътиқод тизими, балки ахлоқий қадриятлар мажмуаси сифатида ҳам халқ маънавиятининг муҳим қисмига айланган.

Ҳалоллик, адолат, бағрикенглик, сабр-тоқат, илмга интилиш каби қадриятлар халқ ҳаётида мустақкам ўрин эгаллаган [7:214]. Айниқса, ислom маданияти таъсирида маънавий тарбия, илм-фан ва ахлоқий камолот масалалари муҳим ижтимоий қадрият сифатида шаклланган.

Форобий, Ибн Сино ва Беруний каби мутафаккирлар мероси ҳам минтақа халқлари маънавий ҳаёти ривожига катта таъсир кўрсатган. Уларнинг инсонпарварлик, маърифатпарварлик ва ахлоқий камолот ҳақидаги ғоялари қорақалпоқ халқи маънавий тафаккурининг бойишига хизмат қилган [8:56].

Оролбўйи муҳити ва маънавий қадриятлар. Қорақалпоқ халқи маънавий меросининг шаклланишида табиий муҳит ҳам муҳим омил ҳисобланади. Оролбўйи ҳудудининг табиий шароити аҳолининг ҳаёт тарзи ва қадриятлар тизимида бевосита таъсир кўрсатган.

Қийин табиий шароитларда яшаш аҳолидан жамоавийлик, ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатликни талаб қилган. Натижада бир-бирини қўллаб-қувватлаш, меҳнатсеварлик ва сабр-тоқат каби фазилатлар миллий характернинг муҳим хусусиятларига айланган.

Орол экологик инкирози шароитида ҳам ушбу қадриятлар аҳолининг ижтимоий барқарорлигини сақлашга хизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, экологик маданият ҳам миллий қадриятлар тизимининг муҳим қисми ҳисобланади.

Фольклор ва миллий ўзлик. Фольклор халқ маънавий хотирасининг асосий ташувчиси ҳисобланади. Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди асрлар давомида миллий қадриятларни сақлаш ва авлодларга етказиш вазифасини бажариб келган.

Мақоллар, маталлар, афсоналар, дostonлар ва қўшиқларда халқнинг ҳаётий тажрибаси ҳамда ахлоқий қарашлари мужассамлашган. Масалан, меҳнатни улуғлаш, ватанга садоқат, катталарга хурмат ва инсонпарварлик ғоялари қорақалпоқ фольклорининг асосий мазмунини ташкил этади.

Фольклор миллий ўзликни шакллантирувчи муҳим маънавий институт сифатида ҳам намоён бўлади. У орқали халқ ўз тарихи ва маданий меросини сақлаб қолади ҳамда янги авлодларга етказиши [6:141].

Муҳокама. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, қорақалпоқ халқи маънавий-маданий мероси кўп қатламли ва мураккаб ижтимоий-маданий тизим ҳисобланади. Унинг шаклланишида туркий цивилизация

анъаналари, ислom маданияти, Оролбўйи ҳудудининг табиий-географик шароити ҳамда халқ оғзаки ижоди муҳим аҳамият касб этган. Мазкур омиллар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда миллий қадриятлар тизимини вужудга келтирган ва халқ маънавий ҳаётининг барқарор ривожланишини таъминлаган. Шу нуқтаи назардан қараганда, қорақалпоқ халқи маънавий мероси муайян тарихий давр маҳсули бўлибгина қолмай, балки кўп асрлик ижтимоий тажриба, ахлоқий меъёрлар ва маданий муносабатларнинг умумлашган ифодаси сифатида намоён бўлади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, миллий қадриятлар тизими халқнинг ижтимоий хотираси ва миллий ўзлигини сақлашда муҳим механизм вазифасини бажаради. Хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналари, дostonлар, ривоятлар ва мақол-маталларда жамланган маънавий ғоялар авлодлар ўртасидаги ворисийликни таъминлаб келмоқда. «Алпамис», «Едиге», «Қирқ қиз» каби эпик асарларда акс этган жасорат, ватанпарварлик, садоқат, адолат ва инсонпарварлик ғоялари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улар нафақат тарихий мерос намунаси, балки ёш авлоднинг маънавий тарбиясида муҳим аҳамият касб этувчи ижтимоий ресурс ҳисобланади.

Миллий мероснинг шаклланишида ислom маданиятининг таъсири ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Асрлар давомида диний-ахлоқий қадриятлар халқнинг турмуш тарзи ва дунёқарашига сингиб кетган. Ҳалол меҳнат, илмга хурмат, бағрикенглик, адолат ва сабр-тоқат каби тушунчалар жамиятда маънавий муносабатларни тартибга солувчи муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Шу боис қорақалпоқ халқи маънавий ҳаётини таҳлил қилишда диний ва дунёвий қадриятларни ўзаро уйғун ҳолда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот давомида аниқланган яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, миллий қадриятларнинг шаклланиши ва сақланишида табиий муҳитнинг таъсири катта бўлган. Оролбўйи ҳудудининг экологик ва иқтисодий хусусиятлари аҳоли ҳаёт тарзида жамоавийлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ёрдам тамойилларининг қарор топишига хизмат қилган. Қийин табиий шароитларда яшаш тажрибаси аҳолини бир-бирига суянишга, жамоавий манфаатларни устувор қўйишга ва ижтимоий масъулиятни ҳис қилишга ўргатган. Бу ҳолат миллий қадриятларнинг фақат маънавий ҳодиса эмас, балки муайян ижтимоий эҳтиёжлар асосида шаклланган тизим эканлигини кўрсатади.

Замонавий глобаллашув шароитида миллий маданий меросни сақлаш ва ривожлантириш долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ва рақамли коммуникация воситаларининг кенг тарқалиши миллий маданиятни халқаро майдонда тарғиб қилиш учун янги имкониятлар яратмоқда. Айни пайтда, оммавий маданият таъсирининг кучайиши, ахборот маконидаги бирхиллашув жараёнлари ҳамда истеъмолчилик қарашларининг кенгайиши миллий қадриятлар тизимида муайян таҳдидларни келтириб чиқармоқда. Бу ҳолат, айниқса, ёшлар онги ва дунёқарашида яққол намоён бўлмоқда.

Шу муносабат билан миллий меросни сақлаш фақат тарихий ёдгорликлар ёки анъанавий маросимларни муҳофаза қилиш билан чекланиб қолмаслиги лозим.

Миллий қадриятларни замонавий ижтимоий ҳаёт талаблари билан уйғунлаштириш, уларнинг тарбиявий ва маърифий имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Миллий маданиятни рақамлаштириш, фольклор ва тарихий манбаларни электрон платформалар орқали оммалаштириш, миллий санъат ва адабиёт намуналарини халқаро миқёсда тарғиб қилиш бу борадаги муҳим вазифалар ҳисобланади.

Бугунги кунда қорақалпоқ халқи маънавий-маданий мероси нафақат миллий ўзликни сақлаш воситаси, балки жамият барқарорлиги ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Миллий қадриятлар фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, қорақалпоқ халқи маънавий меросини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва унинг замонавий тараққиётдаги имкониятларини очиб бериш келгусидаги тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Умуман олганда, тадқиқот натижалари миллий қадриятлар тизими жамиятнинг маънавий хавфсизлиги, маданий барқарорлиги ва ижтимоий тараққиётини таъминловчи муҳим омил эканлигини кўрсатади. Қорақалпоқ халқи маънавий-маданий меросининг бой тарихи ва мазмундор қадриятлари замонавий тараққиёт жараёнларида ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда ҳамда миллий ривожланишнинг муҳим маънавий асосларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Хулоса. Қорақалпоқ халқи маънавий-маданий мероси халқнинг кўп асрлик тарихий тажрибаси маҳсули ҳисобланади. Унинг шаклланишида туркий цивилизация, ислом маданияти, Оролбўйи табиий муҳити ва халқ оғзаки ижоди муҳим ўрин тутган.

Миллий мерос нафақат ўтмишнинг маданий бойлиги, балки замонавий жамият тараққиётининг маънавий асоси ҳам ҳисобланади. Шу боис қорақалпоқ халқи маънавий-маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва келажак авлодларга етказиш миллий тараққиётнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар

1. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2011.
2. Хажиева М.С., Матякубова Г.А. Ижтимоий фалсафа. – Урганч: «Milleniumus print», 2024.
3. Лосский Н.О. Ценность и бытие. – Москва: «Республика», 1994.
4. Каган М.С. Философия культуры. – Санкт-Петербург: «Петрополис», 1996.
5. Палымбетов К. Қорқыт ата китаби ҳам қарақалпақ дэстанлары. – Нөкис: «Билим», 2010.
6. Қарақалпақ фольклоры. «Алпамыс». Т. 1-8. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 2007.
7. Ал-Бухорий И. Ал-жомеъ ас-саҳиҳ. – Тошкент: «Ҳилол-нашр», 2019.
8. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2016.